



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI MONOPOLIYAGA
QARSHI KURASHISH QO‘MITASI HUZURIDAGI
ISTE‘MOLCHILAR HUQUQLARINI HIMOYA QILISH AGENTLIGI**

**CONSUMER PROTECTION AGENCY
UNDER THE ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**



100128, Toshkent sh., Labzak ko‘chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-46-00, Tel.: (998 71) 241-22-53
Ishonch telefoni: 1159, Sayt: consumer.uz, e-mail: info@consumer.uz, e-xat: consumer@exat.uz

“10” август 2021 й. № 02-06/3825

**Оммавий ахборот воситалари,
Telegram мессенжери каналлари,
“.Uz” домени ҳудудида
рўйхатдан ўтган веб-сайтлар,
реклама агентликлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади (*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 сентябрдаги ПФ-5817-сон Фармони*).

Агентлик томонидан оммавий ахборот воситаларида (телевидение, радио, босма нашрлар), интернет ва ижтимоий тармоқларда рекламаларни тарқатишда (жойлаштиришда) амалдаги реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мослиги юзасидан ўрганиш ва таҳлил ишлари олиб борилмоқда.

Хусусан, айрим оммавий ахборот воситалари, интернет ва ижтимоий тармоқларда ахлоқ ва маънавиятнинг умумэътироф этилган нормаларига зид рекламаларни тарқатиш ҳолатлари ҳам кўп учрамоқда.

Дарҳақиқат, реклама бевосита инсон онгига таъсир этиш қудратига эга экан, у нафақат тижорий, шу билан биргаликда бир қанча ижтимоий, маънавий, тарбиявий талабларга ҳам мос бўлиши лозим.

Албатта, энг олий мақсадларимиздан бири ёшларимизни жисмонан соғлом, маънан етук авлод сифатида камол топтиришга қаратилган. Бинобарин ҳар жиҳатдан баркамол, юриш-туриш одоби, мулоқот ва кийиниш маданияти шаклланган, бой тарихимиз, халқимизнинг эзгу анъана ва қадриятлари сарчашмасидан маънавий озуқа олиб тарбия топган, соғлом фикр ва қарашларга эга бўлган авлодгина буюк келажагимизнинг муносиб давомчилари бўла олади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз бугун турли оммавий ахборот воситалари орқали ҳар куни, ҳар лаҳза кўрадиган, ўқийдиган, эшитадиган рекламалар ҳам ана шу мақсадларимизга, миллий маданиятимизга мос бўлиши керак, аслида. Бироқ, баъзи телеканалларда, интернет сайтларда жойлаштирилаётган айрим рекламалар борки, халқимизнинг маънавий бойлиги бўлган одоб-ахлоқ, ибодат, ор-номус, ирода, шарм-ҳаё, ифқат-андиша, ғурур каби фазилатларимизни нурсизлантиришга ундаётгандек тасаввур уйғотади.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг вазифаларидан бири рекламанинг давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умум эътироф этилган нормаларига, юридик ва жисмоний шахсларнинг ишчанлик

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: QS65150622

обрўсига, атроф муҳит ҳолатига тажовузидан ҳимояланиш чораларини таъминлашдан иборат.

Шунингдек, ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши оқибатида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган реклама нотўғри (инсофсиз, билатуриб ёлғон) реклама ҳисобланиб, бундай реклама тақиқланади (*13-модда*).

Юқоридагиларга асосан, реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, реклама берувчи ва тарқатувчилар томонидан реклама жойлаштиришда, давлат ва жамоат манфаатларига, ахлоқ ва маънавиятнинг умум эътироф этилган нормаларига зид келувчи шакл, ибора ва образлардан фойдаланмаслик, рекламадан фойдаланувчиларга зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда фаолият юритишлари сўралади.

Директор ўринбосари



А. Қурбонов

*Ижр: А.Ахмедов
Тел: 71 2074600 (318)*